O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
OHANGARON TUMAN
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ХОКИМ
АХАНГАРАНСКОГО РАЙОНА
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

QAROR
РЕШЕНИЕ

"04" 10 2017 y. 1440 - son Ohangaron t.

Охангарон туман хокимининг Ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6 –сон, 97- модда) 17- моддаси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.29-30- сон, 277- модда;) 25- моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186- сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2018 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1.Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг
17- моддасига асосан ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туман ва шахардаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан 266 кишини ташкил этадиган 7 фоиз миқдорида, шу жумладан:

-Ногиронлар учун 3.4 фоиз – 9 киши;
- 14 ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ҳамда кўп болали ота-оналар учун 13.9 фоиз –37 киши,
-Таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун 53 фоиз – 141киши,
-Муддатли харбий хизматдан бўшатилганлар учун 6.3 фоиз – 17 киши,
-Оҳангарон туман ҳокимлиги Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 3.4 фоиз -9 киши,
- Жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 6.3 фоиз – 17 киши белгилансин,
-Одам савдосида жабрланган шахслар учун 0.75 фоиз– 2 киши;
Бошқалар учун 12.7 фоиз 34 – киши, шу жумладан сафарбарлик чақируви захирасига киритилган шахслар 2 киши, кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага мухтож топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2017 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2018 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни хар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4 Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низом"га мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд қилиб қўйилишини) ҳамда иш жойлари санитария гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

5. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186 сонли қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига мувофиқ жарима солиниши эслатилсин.

6. Туман бандликка кўмаклашиш марказига (А.Уралов), бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона ва ташкилот раҳбарларига етказиш ҳамда уни бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш топширилсин.

7. Оҳангарон туман ҳокимининг 2016 йил 14 ноябрдаги "Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шхсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2017 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 1658-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобланди.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Нурбоев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими Ў.Турсунов